

ЖУРНАЛИСТ ВА БЛОГЕРЛАР ЯНА ТУМАНИМИЗДА

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ҲАМДА АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР БОШҚАРМАСИ
ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНГАН МЕДИА-РЕЖАГА АСОСАН, ТУМАНДА ЖУРНАЛИСТЛАР ВА БЛОГЕРЛАР
УЧУН НАВБАТДАГИ МАТБУОТ АНЖУМАНИ ҲАМДА ПРЕСС-ТУР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ушбу анжуманда вилоятимиздаги энг фаол журналист ва блогерлар қатнашдилар. Туман ҳокимлиги кичик мажлислар залида ўтказилган матбуот анжуманида туман ҳокими Беҳзод Ибрагимов туманда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапириб, журналист ва блогерларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарди. Туман ҳокими шунингдек, Янгиқўрғон-Бағдод йўлида олиб борилаётган ободончилик ишлари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” қайси мезонларга асосан танлаб олиниши, тумандаги Бастомбува қум барханлари атрофини ободонлаштириш, туман ҳокимининг маҳаллий босма нашр ва туман ҳокимликлари Ахборот хизмати ҳақидаги фикри, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”даги фуқароларнинг ушбу дафтарлардан чиқарилиш ва иш билан таъминланганлиги борасида амалга оширилаётган ишлар, Бувайда туманининг биринчи ярим йилликдаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари каби долзарб масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириди, бу борада қилиниши зарур бўлган ишларга тўхтади. Шундан сўнг журналист ва блогерлар учун туманда узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган, маҳсулотлари хорижга ҳам экспорт қилинаётган “Нурафшон Зиё текс” ишлаб чиқариш корхонасига пресс-тур ташкилланди.

Бувайда тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2021-07-29 16:18:04